

ТАЛАБАЛАРНИНГ ПРАГМАТИК КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ КОРПУСЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ МЕТОДИК МОДЕЛИ

Назарова Нодида Гуломжоновна

Фарғона политехника институти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7770834>

Аннотация: Ушбу тезисда талабаларнинг прагматик компетенциясини корпусли технологиялар асосида шакллантиришдаги методик моделларига қисқача тариф берилган.

Калит сўзлар: иерархиялилиқ, яхлитлилиқ, структуравийлик, кўплик (кўп сонлилиқ), тизимлилиқ

Педагогик мақсадларга мувофиқ бўлиши учун ҳар қандай методик модель бир қатор хоссалар билан тавсифланади. Булар *иерархиялилиқ, яхлитлилиқ, структуравийлик, кўплик (кўп сонлилиқ), тизимлилиқ*. Методик моделга хос бўлган хоссаларни кўриб чиқиб, биз методик моделни қуйидаги каби тушунишни таклиф қилишимиз мумкин: *ўқитишнинг структуралаштирилган жараёнида таълим жараёнининг барча иштирокчилари учун ташкилий-педагогик кўрсатмаларнинг йиғиндиси*.

Моделларнинг турли хиллари мавжуд. Талабаларнинг прагматик компетенциясини корпусли технологиялар асосида шакллантиришнинг методик моделини яратишнинг дастлабки шартларини ўрганишга ўтамыз. Юқорида кўрсатилган бошланғич шартлар сифатида қуйидаги уч фикр, қонидани ажратамыз. Уларнинг биринчиси хорижий тилда прагматик кўникмаларни эгаллаган талабаларни тайёрлаш учун ижтимоий буюртма ҳисобланади. Ушбу методик моделни яратишга бўлган иккинчи бошланғич шарт бакалавриат даражасининг ОТ ФТС (олий таълим учун давлат таълим стандартлари) талабларига риоя қилиш зарурлиги ҳисобланади. Корпусли технологияларнинг лисоний-дидактик потенциали ва улардан прагмаик компетенцияни шакллантиришда фойдаланиш орасидаги зиддиятларни мавжудлиги учинчи бошланғич шарт деб ҳисоблаш ўринли.

Методик моделни яратишнинг навбатдаги босқичи унинг *назарий блокни* қуришдан иборат. Ушбу элемент ўқитиш жараёнида қўлланиладиган тамойиллар ва ёндашувларни ўз ичига олади. Тамойил ўқув жараёнидаги қайси бир/маълум бир ажралмас бошланғич пункт/нуқта ҳисобланади. Ёндашув эса турли тамойилларни ўзида мужассам қилади ва бу билан ўқитиш жараёнини у ёки бошқа томонга йўналтиради. Бу ердан муайян методик моделда ёндашувлар ва тамойилларни саралаб олишнинг муҳимлиги келиб чиқади.

Демак, биз қуйидаги ёндашувларни кiritишни тўғри деб ҳисоблаймиз: а) коммуникатив-когнитив; б) тизимлилиқ; в) шахсий-фаолиятга асосланган ва г) компенсатор тамойиллари. ЎЗ танловимизни асослаш билан ҳар бир ёндашувни батафсил кўриб чиқамиз.

Коммуникатив-когнитив ёндашув тахсил олувчиларда ўрганилаётган тилдаги нутқ кўникмаларини ривожлантириш ва унда назарий билимлар олиш орасида маълум бир (қандайдир бир) мувозанатнинг бўлишини тақозо этади. Ушбу ёндашув коммуникатив-когнитив йўналтирилганликка эга ва бу унинг асосий тамойилидир. Ушбу тамойилнинг когнитив таркибий қисми лисоний (лингвистик) тизимлар ҳақидаги билимларни тилни ўрганиш жараёни учун ишга тушириш (улардан фойдаланиш), унга маънодорлик хоссасини бериш учун мўлжалланган.

Шахсга-фаолиятга асосланган ёндашувни унинг номининг икки таркибий қисмини ташкилэтувчи компонентларининг қўлланишилиш доирасида ўрганиш қабул қилинган. Улардан биринчиси – шахсга асосланган (қаратилган) компонент ҳар бир ўқувчини – барча ижтимоий (социологик) ва психологик ўзгарувчиларни ҳисобга олган ҳолда индивидуаллик сифатида ўрганишни тақозо этади.

Компетентликка асосланган ёндашув хорижий тилга ўқитишда энг кўп, кенг тарқалган ёндашувлардан бири. Ушбу ёндашув турли даражадаги таълим фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатларга киритилган. Компетентликка асосланган ёндашувнинг асосий мақсади тахсил олувчиларда муайян компетенцияларни шакллантиришдан иборат. Компетентликка асосланган ёндашув таркибига киритилган компетенцияларнинг кўплаб тури мавжуд.

Онглилик икки йўналишда: ўқув амалларининг онглилиги/англаб бажарилиши сифатида ва таклиф қилинаётган/беорилаётган ўқув материалининг тушунилганлиги сифатида тушунилишини таъкидлаб ўтиш лозим. Тахсил олувчилар муайян ахборотни уни ўз мияларида тартибга солиб, саралаб, таснифлаб, амалда қўллаб идрок этишади. Педагог бу жараёнга тўғридан-тўғри таъсир кўрсата олмайди, зеро ҳар бир инсон ўз тушунишини (қараши, дунёқарашини) олинган билимлар асосида шакллантиради. Буларнинг барчаси шахснинг онглилигини ташкил этади. Педагогнинг қиладиган иши эса талабаларнинг ўқув фаолиятини йўналтириш ва ислоҳ қилиш билан талабаларнинг маълум даражадаги мустақиллигини тарбиялайди холос.

Таклиф қилинган ишлаб чиқилган методика қай даражада самарали бўлишини текшириш учун ушбу тадқиқотда талабаларнинг прагматик компетенциясини корпусли технологиялар асосида шакллантиришга йўналтирилган ўқитиш унинг методикасини ишлаб чиқишда қуйидагилар амалга оширилса самарали бўлади деган тахминдан иборат бўлган фаразнинг тўғрилигини исбот қилган экспериментал ўқитиш амалга оширилди:

- корпусли технологияларнинг лисоний дидактик хоссалари ҳисобга олинса;
- психологик-педагогик шароитлар ҳисобга олинса (тахсил олувчиларнинг прагматик компетенцияни корпусли технологиялар асосида шакллантиришга мотивацияси; тахсил олувчиларда хорижий тил коммуникатив компетенциясининг В1 дан кам бўлмаган даражада шаклланганлиги; тахсил олувчиларда АКТ компетентлигининг шаклланганлиги; ўқитувчида АКТ компетентлигининг шаклланганлиги; талабаларнинг прагматик компетенцияни корпусли технологиялар асосида

шакллантириш алгоритмига риоя қилишлари);

- ўқитиш беш алоҳида ажратилган босқичларга (мақсадли, ташкилий-техник, тадқиқотчилик, коммуникатив, баҳолаш) ва 12 қадамга мувофиқ ташкил этилса.

Ишчи фаразни текшириш учун ушбу тадқиқотда қуйидаги вазифаларни кўриб чиқишга қарор қилинди:

- назорат ва экспериментал гуруҳлар талабаларининг прагматик компетенциясининг шаклланганлигининг бошланғич даражасини аниқлаш;
- экспериментал гуруҳни прагматик компетенцияни корпусли технологиялар асосида шакллантиришга йўналтирилган ҳолда ўқитиш; назорат гуруҳини корпусли технологияларни қўлламасдан ўқитиш;
- назорат ва экспериментал гуруҳлар талабаларининг прагматик компетенциясининг шаклланганлигининг якуний даражасини аниқлаш;
- экспериментал ўқитиш давомида олинган маълумотларнинг статистик қайта ишловини амалга ошириш;
- эксперимент давомида олинган маълумотларнинг таҳлилини амалга ошириш, ҳамда уларнинг статистик қайда ишловини муҳокама қилиш.

References:

1. Евстигнеев М.Н. Структура ИКТ компетентности учителя иностранного языка // Язык и культура. 2011. № 1(13). С. 119–125.
2. Маркова Ю.Ю. Методика развития умений письменной речи студентов на основе вики-технологии (английский язык, языковой 160 вуз): автореф. дис. ... канд. пед. наук. М.: МГГУ им. М.А. Шолохова, 2011.
3. Сёмич Ю.И. Методика обучения студентов направления подготовки «Журналистика» иноязычному письменному высказыванию на основе корпусных технологий: автореферат дис. ... канд. пед. наук. Тамбов: ТГУ имени Г.Р. Державина, 2019.
4. Сластенин В.А. и др. Педагогика Учеб. пособие для студ. высш. пед. учеб. заведений / В.А. Сластенин, И.Ф. Исаев, Е. Н. Шиянов; Под ред. В.А. Сластенина. – М.: Издательский центр «Академия», 2002. – 576 с.